

## Аҳмад ЮГНАКИЙ

### "ҲИБАТУЛ ҲАҚОЙИҚ" (Ҳақиқатлар совғаси)

"Ҳибатул ҳақойиқ" ёзма манбаининг тўлиқ нусхаларидан бири Ҳиротда, XV асрда қадимги уйхур ёзуви асосида кўчирилган, асарнинг иккинчи тўлиқ нусхаси 1480 йилда Истамбулда Абдураззоқ бахши томонидан араб ёзуви билан кўчирилган. Достоннинг араб ёзуви билан кўчирилган учинчи нусхаси XVI аср бошларига мансуб. "Ҳибатул ҳақойиқ"нинг асосий нусхалари Туркия кутубхоналарида, айрим парчалардан иборат бир нусхаси Берлинда сақланмоқда.

Асар 256 байт, яъни 512 мисрадан иборат, ҳазал ва тўртлик шеър шаклида ёзилган. Адиб Аҳмад Югнакий ҳам барча ўтган буюклар каби ўз достонини Аллоҳни мадҳ этиш билан бошлайди...

Дарсликлар, илмий ишларда бу достон атрофлича ёритилган, ҳатто 1972 йилда филология фанлари доктори, қадимшунос, турколог олим қозоқбой Маҳмудов "Ҳибатул ҳақойиқ"нинг академик нашрини чоп эттирди. Унда олим достоннинг асли, насрий баёни, таҳлилий матн, изоҳли луҳат ҳамда грамматик ва фонетик таҳлилни амалга оширган.

Шу пайтгача "Ҳибатул ҳақойиқ" достони бугунги ўзбек тилига шеърий таржима қилинмаган эди.

Биз бу йўлдаги илк тажрибамизни кенг китобхонлар оммасига ҳавола этарканмиз, таржиманинг бадий савиясига баҳо беришни уларнинг ихтиёрида қолдирамыз.

*Таржимон.*

## **ТАНГРИНИНГ МАДҲИ ҲАҚИДА**

Тангрим, сенга ҳамду сано айтаман,  
Раҳмингдан умидвор минг бир қатла ман.  
Гуноҳқор тил сано айта олурму?  
Ўзинг кўмак бергил,..ночор қолурму?

Жонли-жонсиз, борлиқ учган-югурган,  
Сенинг борлиҳингга гувоҳлик берган.  
Бир нарса ичинда минглаб далил бор,  
Сенинг борлиғингни ҳар вақт далиллар...

## **КЕНГАЙИШ, ҚИСҚАРИШ, ЎЗГАРИШ ВА ДУНЁНИНГ БИРЛИГИ ҲАҚИДА**

Йўқ эдим, яратдинг, яна йўқ айлаб,  
Қайта яратурсан, сен ўзинг сайлаб...

Шубҳа, гумон ичра умр кўргувчи  
Ғофил зот, тез уйҳон, Тангри билгувчи.  
Паймонанг тўлмайин ақлингни тўлдир,  
Қалбингда жаҳолат ўтини сўндир.  
Тангри кунни, тунни бирдай яратди,  
Одамзотнинг умрин унга қаратди.  
Машриқдан маҳрибга тинмай юради,  
Бир-бирига жой алмашиб туради.

Тунингни кундузга ўзгартар Тангри,  
Кунга тунни, тунга улайди тонгни...

## **ЎЛИК ВА ТИРИКНИНГ АЛМАШИНИШИ**

Тангрига қийинмас тирикни олиб,  
Тирилта олади ўликни, ғолиб.  
Улуғ қудрати бор, якка ҳоқондир,  
Ўликни тирилтмоқ унга осондир.

## **МУҲАММАД ПАЙҒАМБАРНИНГ МАДҲИ**

Энди ҳабиб фазли ҳақда байт айтай,  
Эшит, ақлу ҳушинг бўлса англатай.  
Эл аро яхшиларнинг яхшисидур,  
Пайғамбарлар ичра ҳам нақши шудир.

Расулиллоҳ юзида нур порлаган,  
Ҳидоятга, ибодатга чорлаган.  
Унинг мадҳи билан бу тилим ширин,  
Фақат у билади ғайбнинг-да сирин.

Насиб этса Тангрининг инояти,  
Қиёмат кун толедур шафоати.

## **ТҶҮРТ ХАЛИФАНИНГ МАДҲИ ҲАҚИДА**

Чориёрларга ҳам салом йўллайман,  
Тирикман, уларнинг йўлин қўллайман.

Содиқ билан Форуқ ва Зуннураиндир,  
Али тўртинчиси - қўрқмас баҳодир.  
Буларга кимда-ки бўлса хусумат,  
Мен унга айтаман ҳамма вақт лаънат.

Мен, кўп хатоларга йўл қўйган қулинг,  
Кечирган Эгамсан, кечиргил Тангрим.

Ё насиб, ҳидоятинг — саодатинг,  
Бошга қаро кун тушса — адолатинг.

## **УЛУҒ АМИР ДОД СИПОҲСОЛАРБЕК ТАНГРИ ЁРЛАҚАГУРНИНГ МАДҲИ**

Эй тил, мадҳ айла, кел, баён этай,  
Сўнг уни шоҳимга мен аён этай.  
Саводхон кишилар руҳи севинсин,  
Шоҳим мадҳин ўқиб, кўнгли овунсин.

Йўлбошчи — йўл кўрсатар адашганга,  
Илм ўргатар омига, кўз қамашганга.  
Эҳсонга тўладир вужуди анинг,  
Элига аталган бор-буди анинг.

Ақлу ҳуш, яхши хислат манбаидур,  
Билим манбаи, фазилат конидур.  
Симақ юлдузидан юксак ҳиммати,  
Саховатли, дардга дармон хизмати.

Раиятга хушмуомала, шафқатли,  
ҳазаб қилса арслон каби даҳшатли.  
Умардек салобат ва қуввати бор,  
Усмондек саховат ва ҳиммати бор.

Булутлар уялур саховатидан,  
Душманлар кўрқади важоҳатидан.  
Шоҳим, саноҳи йўқ фазилатларинг,  
Юрт йўлида чеккан азиятларинг.

Раҳбарлик ишлари, барча сиёсат,  
қўлингда, измингда аҳли раёсат.

Мурувватли қодир Аллоҳ ато этди,  
Ҳйланг, Тангри қачон зарра хато этди?

Томчи сув ҳадя этса гар булут,  
Денгиз тўлқинланар кўп-оз, демай қут.  
Минг карра улухдир шоҳим денгиздан,  
қабул айлармикан, шу ҳадя биздан.

### **БУ КИТОБНИНГ ЁЗИЛИШ ТИРИХИ ВА ЗАРУРАТИ ҲАҚИДА**

Дунёда Сипоҳсолар оти қолсин, деб,  
Ҳқиған кишидан дуо олсин, деб,  
Эзгу номин авлодлар ҳам билсин, деб,  
Унинг ёди билан диллар тўлсин, деб,  
Саводли кишига нафи тийсин, деб,  
Ёздим шу китобни, кўнгли ийсин, деб,  
Ҳадя этдим: бир бор назар солсин, деб,  
Меҳру муҳаббатим шоҳим билсин, деб.

### **БИРИНЧИ БЎЛИМ: ИЛМ МАНФААТИ ЖАҲОЛАТНИНГ ЗАРАРИ ҲАҚИДА**

Билим ҳақда сўзлай, эй дўст, қулоқ сол,  
Илмлига яқин юр, ундан ибрат ол.  
Билим билан очилур саодатга йўл,  
Бахт йўлини изла, дўстим, бахтли бўл.

Билимли кишилар тилла динордур,  
Илмсиз, жоҳил одам эл ичра хордур.  
Билимли хотинлар эркак билан тенг,  
Илмсиз эркакни мисли хотин, денг.

Сўнгакда мўл илик бўлган мисоли,  
Эр кишининг билим билан камоли.  
Эр кишининг кўрки ақлдуру, билинг,  
Сўнгак кўрки — илик, нақлдуру, билинг.

Илмсиз — иликсиз сўнгак каби бўш,  
Иликсиз сўнгакка ким қўл урар, хўш.  
Илмли зотлар ўтса ҳам номи улух,  
Илмсиз — тириклайин ўлган бир чўлух.

Бир билимли билимсизнинг мингига тенг,  
Минг билимсиз билимлига бўлолмас енг.  
Энди ўзинг синаб кўргил, бер эътибор,  
Билимдан фойдалироқ қандай нарса бор?

Билим билан олим юксалар мудом,  
Илмсизлик ер қилади, айлаб муқом.

## **ИЛМ ЎРГАНИШ ҲАҚИДА МУҲАММАД АЛАЙҲИССАЛОМНИНГ АЙТГАНЛАРИ**

Илмнинг қадрини оқил билади,  
Илм билан қилни қирққа ёради.  
Маърифатни нодон нима қилади,  
қиймат кунгача илмсиз боради.

Илмсизга тўхри сўз маъносиздир,  
Унга ўғит-насихатинг фойдасиздир.  
Ювуқсизга буюрилса, тоза бўлур,  
Жоҳил одам минг ювинса шундай қолур.

## **ТАНГРИНИНГ МЎЪЖИЗАЛАРИ, ЖОҲИЛЛИҚДАН ТИЙИЛИШ, ХУДОНИНГ РАСУЛИГА СОДИҚ БЎЛИШ ҲАҚИДА ПАЙҒАМБАР АЛАЙҲИССАЛОМНИНГ АЙТГАН СЎЗЛАРИ**

Оқил ишин билиб қилар, ўкинмайди,  
Нодон каби пушаймонда сўкинмайди.  
қай ишни билимсиз ўнг, деб ўйлайди,  
Бирини битирмас, иши унмайди.

Керак сўзни айтар фақат оқил одам,  
Кераксизин айтмай яширар мудом.  
Ҳринсиз сўз айтиб бошин ейди нодон,  
Унга билимсизлик панд берар чандон.

Араб — Ажам билимлини олқишлади,  
Чунки сўзи насихатдан оқишмади.  
Мол-дунёсиз фақирга билим — бойлик,  
Сарф айлаб, қўрқмай қилсин Ҳотамтойлик.

## **ИККИНЧИ БЎЛИМ: ТИЛНИ ТИЙИШ ВА АХЛОҚ-ОДОБ ҲАҚИДА**

Оқил нималарни сўзлар, қулоқ сол,  
Одоб боши тилдан, шуни билиб ол.  
Тилингни ножўя сўздан маҳкам тут,  
Тишларинг синмасин, сўкишни унут.

Ҳйлаб сўзлаганнинг сўзи тўхридур,  
Ҳринсиз сўз гўё босган чўхдирур.  
Эзма бўлма, не айтмас суяксиз тил,  
Аччиқ тилинг бир кун бошинг ейди, бил.

Тили аччиқ, ақли етук бўлурму?  
Йўқса, тил заҳридан одам ўлурму?  
Кишини ўчаштирма,.. тилини бил,  
Ҳқ яраси битар, битмас яра дил.

## **ЎҚ ЯРАСИ, АҚЛДАН ОЗИШ, ТИЛ ЖАРОҲАТИ ВА УНИ ТИЙИШ ҲАҚИДА**

Аҳмоқ киши тили ўзига душман,  
Тил туфайли сув каби тўкилди қон.  
Кўп сўзлаб қанчалар кўпдур ўкинган,  
Тил тийиб ўксук қани, ё сўкинган?

Агар бошга тушса нима кўргулик,  
Тилдан тушгандир, деб, керак сўргулик.  
Кимлар хор бўлдилар, қарҳишга қолди,  
Кимлар улух бўлди, олқишлар олди.

Барчага тенг айтдик, насиҳат будир,  
Тилин тийган киши, оқил ҳам шудир.  
Тилни тийиб, сўзни оз қилган киши,  
Ҳзи ҳам сақланур, авж олур иши.

Бир кишида икки ҳолат юз берса,  
Унга муруватнинг йўли берк эрса.  
Илк бор кераксиз сўз айтса, юз бурса,  
Сўнг ёлҳон айтса-да, қайтмайин турса.

Ёлҳончи кишидан ўзни узоқ тут,  
Умринг баракотин тўҳриликдан кут.  
Одаммиз, бу тилнинг безаги сўздир,  
Сўзни тўҳри айтгил, ростликни сездир.



Тўҳри сўз асалдур, сен асал егил,  
Ёлҳон сўз айтмайман, саримсоқ, дегил.  
Ёлҳон сўз касаллик, ташвиш келтирур,  
Тўҳри сўз шифодур, дардинг кетирур.

Халойиқ, Ҳақ, дея бошга кўтарур,  
Тўҳри сўзлаганлар бош эгмай ўтур.  
Тўҳрилик тўнин кий, эгрилик қилма,  
Тўн тозаси ростлик, ҳазил, деб билма.

Сирингни маҳкам тут, биров билмасин,  
Сўзингдан ўзингга ўкинч келмасин.  
Яширган ишларинг ошкора бўлиб,  
Кўрган-эшитганлар сенга кулмасин.

қанчалик ишончли бўлса ҳам дўстинг,  
Ишониб сир айтма, очур кам-кўстинг.  
Сирларинг ўзингда сингиб турмагач,  
Дўстинг ҳам сақламас, қадри бўлмагач.

### **УЧИНЧИ БЎЛИМ:**

#### **ДУНЁНИНГ ЎЗГАРИБ ТУРИШИ ҲАҚИДА**

Бир куни ўтурсан, бу дунё — работ,  
қаттиқ кўнгил берма, куйинма, эй зот.

Олдинги карвонлар йўл босиб ўтди,  
Неча манзил ўтиб, қайларга етди?  
Мол-дунё ортидан ҳарчанд югурма,  
Тангри насиб этмаса, асло буюрмас.

Ҳасис дунё йиҳиб, ўзини қийнар,

Ҳасад оловида қозондай қайнар.  
Ахир зар кўпаяр, озаяр, тугар,  
Ризқингни Тангрининг бир ўзи тутар.

қорнинг тўқ, устинг бут, бўлса етади,  
Ортиқча ташвишинг зое кетади.  
Нафсинг суқлигини кўнглингдан чиқар,  
Нафси ўпқонлигинг бир куни йиқар.

Бойлик — бу насибанг етарли бўлса,  
Ризқи узилади фақат қул ўлса.  
Камбаҳалсан ризқинг қийилган куни.  
Борга қаноат қил, унутма шуни.

Камбаҳаллик, дема мол-мулк камини,  
Бойдурсен, ўйласанг иймон ҳамини.  
Бу дунё ўткинчи, бу дунё абас,  
Егулик-кийгуликдан зориқмасанг бас.

Ундан ортиқчаси кераксиз юқдир,  
Улуҳлар пандини қалбингга юқтир.  
Расул айтмиш: — "Ҳаёт асоси экин,  
Турмуши ўнгланар деҳқоннинг секин."

Ёлҳон дунё лаззати ўткинчидир,  
Мазали пайти елдек ўтгувчидир.  
Йигит ҳам кексяди, янги эскирар,  
Белдан қувват кетар, тизза қалтирар.

Бу дунё бойлиги бугун бор бўлса,  
Эртан йўқ, кимга қолар кимлар ўлса.  
Барча тўлган озаяр, емиради.  
Обод ерлар хароб, вайрон бўлади.

Не бир обод ерлар бор эди бунда,  
Сонсиз эл йўқ, жой эгасиз шу кунда.  
қанча доно, файласуфлар бор эди,  
Мингдан бири йўқ уларнинг, йўқ энди.

Дунё алдаб кулдиради, гоҳ хўмраяр,  
Бир қўлда бол тутса, бирида заҳар.  
Ширинлик татиса аччиққа йўйгил,  
Бир йўл роҳат келса, шукур, деб қўйгил.

Ахир унинг ортида ўнлаб азоб бор,  
Эй, умидвор банда... кимга омад ёр?  
қачон умид тўла амалга ошган?  
Бир қайху келганда минг қувонч қочган.

Бу дунё авроҳич илон кабидур,  
Бошлаб борар жойи жарнинг лабидур.  
Бу дунё зоҳирдан арслондай ювош,  
Гўзал кўрингайдир, нур сочар қуёш.

Ичда ҳалваси кўп, кўп азоб берар,  
Оҳзинг ошга етса, бош тошга тегар.  
Дунё кўркин кўриб,.. унга дил бермоқ,  
Хатонинг бошидур, мақтаниб юрмоқ.

Ниқоб кўтарилур, юз очур очун,  
қанот ёзганидек учмоққа лочин.  
Кўклам булутидек, бесамар тушдек,  
Тўхтамай ўтур бахт — қанотли қушдек.

**ТЎРТИНЧИ БЎЛИМ:**  
**САХОВАТ ВА БАХИЛЛИК ОҚИБАТИ ҲАҚИДА**

Аё дўст, билимли изин излагил,  
Сўз айтсанг, ўйлагил, билиб сўзлагил.  
Мақтасанг, мадҳ айла сахий кишини,  
Бахилга ўткир ёй ўқин тезлагил.

Тилларда сахийнинг мақтови такрор,  
Саховат айбингни ювади минг бор.  
Сахий бўл, эл сенга лаънат айтмасин,  
Лаънат йўлин тўсар саховатинг ёр.

Саховат тошкўнгил дилин эритур,  
Сахий муродига албат эришур.  
Бахилни мақтовчи тил топилмаҳай,  
Сахийнинг мадҳини барча эшитур.

Билимнинг қадрига етади сахий,  
Билимга бор молин сотади сахий.  
Дунёда яхшилик отин қолдириб,  
Яна минг йил умр этади сахий.

Бахил киши ҳаром бойликка етур,  
У дунёга лаънат орқалаб кетур.  
Йиққани ётларга қолур оқибат,  
Сўкиш, лаънат олур, бошқа у нетур.

Саховатли инсон, беҳисоб молинг,  
Тангри берган бўлса, сен ҳам бил ҳолинг.  
Олиб, ўзгаларга бермас қўл — қутсиз,  
Инъом, эҳсон бергил, қўлинг қутлуҳ қил.

Бахиллик бир дарддир, даволаб бўлмас,  
Саховатга бахил қўли очилмас —  
Дунё қулидир, унга давлат ҳукмрон,  
Кўзи оч, қанча йиҳса кўнгли тўлмас.

Халқ ичра етуги саховатга ёр,  
Сахийлик мартабанг айлайди пойдор.  
Сахий бўл, саховат сенга эш бўлсин,  
Кишилар меҳрини тиласанг бисёр.

Зар йиҳар, бахиллар емай-ичмайин,  
Мол дунё кўриқлар кун-тун, итдайин.  
Ҳаёт пайти дўстдан қизҳонган моли,  
Ҳлгач душманига қолиши тайин.

### **ТАВОЗЕЛИК МАНФААТИ, КИБРЛИК ВА ХАРИСЛИКНИНГ ЗАРАРИ ҲАҚИДА**

Яна бир кераклик сўзим бор, тингла,  
Кел дўстим, айтайин, маъносин англа.  
Такаббурлик одат қилмагил бошдан,  
Тавозе билан сен ўзингни ўнгла.

Такаббурлик элда кўзҳатар нафрат,  
Мулойимлик асли эзгу фазилат.  
Ким ўзини элдан баланд чоҳласа,  
Унга йўқ — халқ меҳри, Тангридан шафқат.

Ким йиҳди тамоми дунё молини,  
Етолмасдан ўтди, кўринг ҳолини.  
Хотин қолиб бунда бошқа эр билан,  
Ҳисоб берар гўрда, кўр заволини.

Кибрлик либосин кийиб, дўқ уриб,  
Озор берма халққа, кўксингни кериб.  
Мўминлик белгиси тавозе эрур,  
Мўмин бўлсанг тургил қўлинг қовшириб.

Бойлик боис эрса кўкрак керганинг,  
Манманлигинг — тўрт танга зар кўрганинг.  
Ҳлганда яланҳоч кетурсан, инсон,  
қолиб кетар барча йиҳиб-терганинг.

Агарчи, такаббур аслман, десин,  
Мен анинг жавобин берайин кескин:  
Ота-онаси бир бу халқнинг асли,  
У дунё ҳам фарқи йўқдир, англасин!..

### **ОДАМ ОТА ВА МОМО ҲАВОДАН ИБРАТ ОЛИШ ҲАҚИДА**

Яна пандим олҳил, айлагил амал,  
Амал замирида яширин ажал.  
Амал, деб айтганим — бу кўп ўйлашдир,  
Сен кўп ўйланмагил, кўпроқ қил амал.

Мол-дунё, кийим, тўн, шароб, ош-хўрак,  
Хизматкор, қулларни қиласан керак.  
Бир умрга етгулик мол-дунё йиҳсанг,  
Энг аввал бўркингни кияр бош керак.

Харислик кишига ёмон хислатдур,  
Хасисликнинг сўнгги ҳаму ҳасратдур.  
Бойлик, камбаҳаллик, Тангридан қисмат,  
Харисманд кишига ҳаёт заҳматдур.

### **МУҲАММАД АЛАЙҲИССАЛОМНИНГ ХАРИСЛИК ҲАҚИДА АЙТГАНЛАРИ**

Харис тўймас дунё молин жамҳариб,  
Хасислик қаримас, ўзи чун қариб.  
Хасис киши хасислигини қўймас,  
Тинмагунча тани тупроққа кириб.

Хасислар мол йиҳиб тўймас бўлади,  
Дардининг давосини ким билади?  
Текин фойда ҳақида хабар эшитса,  
Икки динорини ўнта қилади.

**МУҲАММАД АЛАЙҲИССАЛОМНИНГ  
БАЪЗИ КИШИЛАР "ИККИ ВОДИЙ"  
ТЎЛА ОЛТИНИ БЎЛСА ҲАМ,  
УЧИНЧИСИНИ ИСТАШИ  
ҲАҚИДА АЙТГАНЛАРИ**

Эй, мол-дунёга ҳирс қўйган тўймас,  
Ҳирслик нега керак, бандаси билмас.  
Пешонангга асли ризқинг ёзилган,  
Ҳирслик қилиб уни тузатиб бўлмас.

**ТАНГРИ: "ДУНЁ НЕЪМАТЛАРИНИНГ  
ТАҚСИМОТИ" ҲАҚИДА**

Асли тоза киши кўркли бўлади,  
Ёқимли хулқидан кўнгил тўлади.  
Бировнинг бировдан тафовути кўп,  
Аммо ичи қора қачон кулади.

**АЛЛОҲНИНГ КАРОМАТИ,  
ХАСИСЛИКНИ ТАШЛАШ ҲАҚИДА**

Кима эш бўлсанг феълин англагил,  
Ким шафқатли бўлса, ани эр дегил.  
Мевасиз оҳочдек бекарам киши,  
Мевасиз оҳочни кесиб, ўртагил.

Мусулмонга бўлиб мушфиқ, меҳрибон,  
Атаганинг айла мўминга эҳсон.

### **ТАНГРИНИНГ БУЙРУҒИ ВА ШАФҚАТИГА ИТОАТ ҚИЛИШ ҲАҚИДА МУҲАММАД АЛАЙҲИССАЛОМНИНГ АЙТГАНЛАРИ**

Жафо қилгувчига вафо айлагил,  
Аримас, қонни қон билан ювмагил.  
Яроқли ошингни кишига едир,  
Топсанг, йиртиҳингни бутлаб, ямагил.

Ҳзингдан кучсизга сен зулм қилма,  
Кўмак айламакни ҳеч қийин билма.

Ёмонлик қилганга сен яхшилик қил,  
Шафқатнинг боши шу, буни яхши бил.  
Агар бирор кимдан яхшилик кўрсанг,  
Уни дуо қилҳил, тинмай мақтагил.

Гуноҳкор кишининг ёзиҳин кечир,  
Адоват илдизин қалбингдан ўчир,  
ҳазаб ўти ёниб, аланга олса,  
Ҳалимлик сувин сеп, ул ўтни ўчир.

### **ҒАЗАБНИ БОСИШ, КИШИЛАР ГУНОҲИНИ**



**КЕЧИРИШ, ХУДОНИНГ МАРҲАМАТИНИ СЕВИШ  
ҲАҚИДА ТАНГРИНИНГ СЎЗЛАРИ: ПАЙҒАМБАР  
АЛАЙҲИССАЛОМНИНГ ҒАЗАБНИ ЕНГИШ,  
ИЙМОНГА ЭРИШИШ ЙЎЛЛАРИ, ТАНГРИНИНГ  
ҲАР НАРСАГА ҚОДИРЛИГИ, УНИНГ РАСУЛИГА  
САДОҚАТ ВА АЛЛОҲНИНГ МУҲАББАТИГА  
ЕТИШИШ ТЎҒРИСИДА АЙТГАНЛАРИ**

Карам — бино, унда фазилат мўлдир,  
У — майдонда гул, ё тубсиз кўлдир.  
Одобли бўл мудом, ўзни камтар тут,  
Тартибли кишига озод жон қулдир.

Эй дўст, улуҳларни иззат қилиб қўй,  
Ёшларни авайла, бошин силаб қўй.  
Беадаб,.. улуҳлар ҳазабин қўзҳар,  
Кичиклар хулқини бузар, билиб қўй.

Бало келса сабр қил, севинчга йўйиб,  
Кутиб тур, шодликда яйрайсан тўйиб...

**ТАНГРИГА МУҲАББАТНИ ҚАТТИҚ ТУТИШ,  
ШУНИНГДЕК МУҲАММАД АЛАЙҲИССАЛОМНИНГ  
ИБОДАТ ОРҚАЛИ СЕВИНЧНИ КУТИШ  
ҲАҚИДА АЙТГАНЛАРИ**

Сўнар меҳнат ўти, машаққат ҳали,  
Етар ҳам сабрлига савобнинг гали.

Улуҳликка етсанг, янглишма ўзинг,  
Агар атлас кийсанг, унутма бўзинг.  
Улуҳ бўлгунингча сипороқ юриб,  
Каттаю кичикка силлиқ тут сўзинг.

## **ОХИРГИ БЎЛИМ: ТУРЛИЧА МАЪНО БИЛДИРУВЧИ СЎЗЛАР ҲАҚИДА**

Уқиб сўзла сўзинг, бекор сўзлама,  
Сўзинг яшир, кейин кўзинг кизлама.  
Мингта дўстинг бўлса асло кўп кўрма,  
Битта душман бўлса уни оз, дема.

## **МУҲАММАД АЛАЙҲИССАЛОМНИНГ: МИНГ ДЎСТДАН БИР ДУШМАН КЎП, ДЕГАНИ**

Ҳар тўқисда бирор камлик бор,  
Гарчи ҳар етукда ақли жамлик бор.  
Битта гуноҳ учун бошлар кесилса,  
Очунда жон қолмас, ҳам-аламлик бор.

Хушхулқ билан киши кўнглини олиб,  
Ёмон қилиқлардан кела бил ҳолиб.  
Керакми, кераксиз, яхши ўйлаб кўр,  
Ҳар неки иш қилсанг, тарозга солиб.

қандай эш учраса, аввал разм сол,  
Дўстингнинг кўнглини яхши билиб ол.  
Ҳўзингни яқин тут севинчли ишга,  
қайҳу-алам бўлса, ундан узоқ қол.

Яхши киши асло ёмонлик қилмас,  
Ёмон ишлар учун ўч олиб юрмас.  
Яхши ният билан ёмонлик қилиб,  
қош қўяман, дея кўзни чиқармас.

## **БИРОР ИШ ҚЎЛДАН БОЙ БЕРИЛГАНДА УНИНГ ЗАРРИДАН САҚЛАНИШ, ТИКАН ЭКИЛСА УНДАН УЗУМ БИТМАСЛИГИ ҲАҚИДА**

Улфати яхши киши яхши бўлур,  
Яхши улфатлидан яхшилик келур.  
Ёмонга ҳеч яқин юрма, суҳбати  
Сени ҳам ёмонлик йўлига солур.

Дўстлик, деганлари сароб бўлдиму?  
Мингдан бир тўхри йўқ, хароб бўлдиму?  
Кўпнинг ичи қора, ҳайирлик устун,  
Чин дўстинг бўлса, ул туроб бўлдиму?

Бу кун инсонийлик на қадар азиз,  
Эранлар қайларга йўқолди, эсиз.  
Вафо кўли қақраб, йўли қуриди,  
Жафолар мўл бўлди, мисоли денгиз.

Аҳдга вафо қани, қани эзгулик?  
Адолат келгунча элдан безгулик.  
Кетган яхшиликнинг сўнгги ҳам кетур,  
Хайрлик иш давоми қайда кезгулик?

Дунё адоватга, жафога тўлди,  
Вафо топмай юзлар сарҳарди, сўлди.  
Ҳасадгўй, дунёга келиб нетардинг?  
Бузуқсан, дунё ҳам бузилиб бўлди.

Ислом ҳариб эди, бўлди нотавон,  
Художўйлар қаллоб, мунофиқ — аъён.  
Масжид хароб бўлди, халқинг — бенамоз,  
қийёмат кўпмасми юртингда, ҳоқон?

## **ИСЛОМНИНГ ТУШКУНЛИККА УЧРАШИ ВА САОДАТНИНГ ҚАЙТИШИ ҲАҚИДА МУҲАММАД АЛАЙҲИССАЛОМНИНГ АЙТГАНЛАРИ**

Зоҳид ибодатни, амалин олим  
Тарк этди, ўйинга юз бурди ориф.  
Ёмонни тийгувчи киши қолмади,  
Бидъатлар авж олди, эгарда золим.

қани амри маъруф, қани яхшилар?  
қани ҳақни айтган ҳақгўй бахшилар?  
Замонни айблама, халқингни айбла,  
Барча балоларга бош-ку нақ шулар.

Ким ичкилик ичса, яхши дейдилар,  
Майхўрлик истасанг ичгил, қуйдилар.  
Ким йўлин тополмас, унга кенгроқ йўл,  
Кимки истеъдодли — бошин ейдилар.

Бузуқлик билан эл аро шарманда,  
хурурни тарк айла, эй ҳофил банда.  
Тинчлик, фароҳатда қайҳусиз яша,  
Кўнгил хушлигингни қилмайин канда.

Кишилардан уят кетди, номус — тоқ,  
Ҳалол инсон излаб, қани, топиб боқ.  
Ҳаромни ҳалол, деб ейдилар бу кун,  
Аралашиб кетган зарра фарқи йўқ.

Молу дунёликка буриб юзларин,  
Кўплар қул қилдилар, билмай ўзларин.  
Ким камбаҳал бўлса, унга боқмайди,  
Эл-улус ўтурлар юмиб кўзларин.

Мол-дунё қайҳу ва аламдир шу тоб,  
У дунёда эса — гуноҳу азоб.  
Ҳаромдан йиҳилган бўлса азобдир,  
Агар ҳалол бўлса, берилур ҳисоб.

### **МУҲАММАД АЛАЙҲИССАЛОМНИНГ ҲАЛОЛГА ҲИСОБ, ҲАРОМГА АЗОБ БЎЛИШИ ҲАҚИДА АЙТГАНЛАРИ**

Нақадар дунёга очқўзсан ўзинг,  
Кўнгилда ҳаминг — мол, тилингда — сўзинг.  
Сен ўлгач бу молинг душманга қолур,  
Танангга ўралур кафанлик бўзинг.

Ҳзингники эрур тўплаган молинг,  
Беркитиб сақлашинг — ҳасратли ҳолинг.

### **ТАНГРИНИНГ ЎЗИГА ВА АЙТГАН СЎЗЛАРИГА СОДИҚ БЎЛИШ ҲАҚИДА**

Бугун йиққан нарсанг тотли кўринур,  
Мол аччиҳи ўлар олди билинур.

Дунёнинг мазаси — меҳнатдан роҳат,  
Роҳати озроҳу ташвиш қатма-қат.  
Асалдан татимоқ бўлган эй инсон,  
Арининг заҳрига қилгайсан тоқат.

Ҳунармандга ёлҳон дунё вафосиз,  
Ҳунарсиз омадга етар жафосиз.  
Ҳунар билан давлат бирлашиб келса,

Бор нодир нарсадан қимматбаҳоси.

Ҳунарманд ёлҳонда не гуноҳ қилди?  
У бунда бетўхтов таланди, толди.  
Хасисни улуҳлаб, нафсни кўзловчи —  
Дунё хато билан қарибми қолди?

Бор дунёга ҳукм қилиб бошқаргувчи —  
Тангри, ато қилиб, қайтиб олгувчи.  
Унинг амри билан ким тақдирланса,  
Ҳар ишга эришар, амал қилгувчи.

Дунёга бу тақдир не маломатлик,  
қазолар юритган яратган Малик  
Амри билан кирар оёққа тикан,  
Ҳукми билан тушар тузоққа кийик.

Барча ишлар анинг хоҳиши эрур,  
Бандаи нодон бир сабабдан кўрур.  
Тангри амри билан учган қушлари  
Кафтларга қўнади, қафасга кирур.

Ажал келса итлар югурмас ҳуриб,  
Уни ўқ-ёй билан бўлмас қайтариб.  
Сенга ранж, унга ганж бергувчи Тангри,  
Сен жазолаб жабр қилма, Тангри туриб.

## **ОХИРГИ СЎЗ (СЎЗНИНГ ТУГАЛЛАНИШ САБАБЛАРИ)**

Халойиққа ибрат, таълим бергувчи,  
Китоб битдим, одобга чақиргувчи.  
Тенгласа арзирли Сўзга тенгласин,

Сўз қадрини мисли дурдай тергувчи.

Адиб Аҳмад — отим, насиҳат — Сўзим,  
Сўзим бунда қолур, ўтурман Ҳзим.  
Келур куз, кечур ёз, ўтур бу умр,  
Тугатди умримни бу ёзим, кузим.

Истагил қадрла, иста таъна қил,  
Шу туркча китобни Сенга битдим, бил.  
Куним битиб ўлсам, отим қолсин, деб,  
Шу тансиқ сўзларни ёздим, кўзга ил.

Атлас — қиммат, арзон бўлганидай бўз,  
Ҳазил сўз кўп, билсанг қимматлиси оз,  
Бу китоб нафисдир, шунинг учун ҳам,  
Тўлатиб ёзилган ҳар керакли сўз.

Эй, мендан кейинги келгувчи авлод,  
Ҳаққингга Тангридан тилайман имдод.  
Сенга ҳадя этдим тансиқ бир китоб,  
Мени ҳам дуода айлаб тургил ёд...

## **АЛАЙҲИ РАҲМАНИНГ ТАЪРИФИГА ДОИР**

Туҳма ожиз эди адибнинг кўзи,  
Ёзди ўн тўрт боблик китоб — бор сўзи.  
Фил устига агар юкланса ҳам зар,  
Унинг тенгги эрур шу оз сўз ўзи.

## **АЛАЙҲИ РАҲМА АМИР САЙФИТДИННИНГ ТАЪРИФИ**

Адиблар адиби, фозиллар боши,

Сўз дурларин термиш — маржоннинг тоши.  
Тангри шу соатда унга ёр бўлсин,  
қиёматда ёронлари — йўлдоши.

## **БУЮК ТАДБИРЛИ АМИР (МУМЛИНЛАР) СОЯБОНИ ХУЖА АРНОБ АРСЛОНХУЖА ТАРХОН АЛАЙҲИ РАҲМА ТАЪРИФЛАРИ**

Адибнинг тухилган ери Югнакдур,  
Сафолик ҳавода кўнгил яйрабдур.  
Отасининг оти Маҳмуд Югнакий,  
Аҳмад унинг ўҳли, шак-шубҳа йўқдир.

"Ҳибатул ҳақойиқ" китобнинг оти,  
Арабча ибора, араб луҳоти.  
Бошидан то охир қошҳар тилида,  
Бадий дид ила айтилмиш дилдан.  
Ҳар киши-ки билса қошҳар тилини,  
Тушунар адибнинг айтганларини.  
Ким-ки тилни билса, англар маъносин,  
Билмай, билгум деса, ўзин айбласин.

Кўплар бузиб айтар адиб сўзини,  
Билиб-билмай ўяр кўрмас кўзини,  
Янглиш маъно бериб, адиб сўзига,  
Эл аро маломат ортар ўзига.

Сабаб билан айтдим, хоҳла таъна қил,  
Хоҳла китобимни сен ижобат бил.  
Ҳар ким амал қилса адиб сўзига,  
Халқи аро обрў топар ўзига.



Бу нусха жумод-ул охир ойининг ўрталарида Самарқанд шаҳрида саккиз юз қирқ саккизинчи (бир минг тўрт юз қирқ тўртинчи) йили Тангрининг улуҳ фазилатига эга, нафосатли котиб пайҳамбар Мустафонинг йўлига содиқ Зайнул Обиддин Султон Бахт Журжоний томонидан кўчириб ёзиб тугалланди.

Саккиз юз саксон тўртинчи (бир минг тўрт юз саксонинчи) йили зулқаъда ойининг ўн еттинчи шанба куни (асар кўчириб) тамом бўлди. Шайхзода Абдураззоқ бахши, қутли бўлсин, давлат қўнсин, меҳнат (машаққат) кетсин, деб Истамбулда кўчириб ёзди.

*Қадимги туркчадан  
БАҲРОМ ҒОЙИБ таржимаси.  
2002 йил, сентябрь.*